

Ўзбекистон туманилик ёш футболчилар “Болалар лигаси” спорт мусобақаси республика босқичида вилоятимиз шарафини ҳимоя қиласди

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Фарғона вилоят Кенгаши томонидан ташкилланган “Болалар лигаси” спорт мусобақасининг вилоят босқичи ғолиблари аниқланди.

Апрел ойининг ilk кунида мусобақанинг туман босқичида ғолибликтини [кўлга киритган](#) “Шодлик” маҳалласида жойлашган 31-мактаб ўқувчи-ёшлари вилоят миқёсида ҳам тенгсиз эканликларини исботлашди.





Ёш “чарм тўп” усталари бугун кун давомида вилоят марказидаги яшил майдонларда ғолиблик учун муросасиз курашдилар.

Якуний баҳслар натижасига кўра Данғара тумани ёшлар жамоаси 2-ўринни, Бешарик тумани вакиллари 3-ўринни эгаллашди.

Мусобақанинг мутлоқ ғолиби сифатида эса Ўзбекистон тумани ёшлар жамоаси 1-ўринга муносаб деб топилди.



Ғолиб жамоамизга Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Фарғона вилоят Кенгашининг махсус кубок, диплом ва эсадалик совғалари топширилди.

Эндиликда, туманимиз ёшлари мусобақанинг май ойида бўлиб ўтадиган республика босқичида вилоятимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишади.

Ўзбекистон тумани ҳокимлиги

2022-04-20 23:57:44